



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН – ҚИРҒИЗИСТОН:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев 24 декабр куни амалий ташриф билан Самарқандга келди

Ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан яқин қўшни сифатида тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаб келган. Халқларимиз тарихи, маданияти ва диний қадриятлари муштарак, аънава ва уф-одатлари ўхшаш. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги аънавий ҳамкорлик янги мазмун касб этди. Кейинги пайтларда ўзаро алоқалар сезиларли равишда фойдаланди. Давлат раҳбарларининг телефон орқали мулоқотлари, ҳуқуқматлар ва ҳудудлар даражасида делегациялар ташрифи амалга оширилди. Мамлакатларимиз жамоатчилиги Андижон ва Ўш шаҳарларига делегацияларнинг ўзаро ташрифини мамнуният билан қабул қилди.

Икки мамлакат вакиллари Ўзбекистонда ўтган сайловда ва Қирғизистондаги референдумда қузғувчи сифатида иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев Ҳазрати Хизр мажмуига ташриф буюриб, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислол Каримов қабрини зиёрат қилди ва унинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Ислол Каримов руҳи покига Қуръон тиловат қилинди.

Президентлар «JV MAN Auto-Uzbekistan» Ўзбекистон – Германия қўшма корхонасига ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмон қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва бу ерда яратилган шароитлар билан танишди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон жаҳонда автомобил ишлаб чи-

қарувчи етакчи давлатлар қаторига қўшилди. Бугун Ўзбекистон автосаноати маҳсулотларига кўпгина мамлакатларда, жумладан, Қирғизистонда ҳам талаб юқори.

«JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонасининг ташкил этилиши мамлакатимизда автомобилсозликни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди. Бу ерда 15 тоннадан 50 тоннагача юк кўтариш қувватига эга замонавий юк машиналари, жумладан, автокранлар, изометрик фургонлар, сув ташин машиналари, комбинацияланган йўл машиналари, канал тозалаш машиналари, бетон қоригич, пахта ва чиқинди ташин машиналари ишлаб чиқарилмоқда.

Завод ҳудудига ташкил қилинган тайёрлов ва малака ошириш марказида юк автомобилларига техник хизмат кўрсатадиган механик ва чилангарлар ўқитилмоқда. Корхонада хавфсиз ва самарали бошқариш бўйича махсус «MAN ProfiDrive» дастури асосида оғир юк кўтарадиган машиналар ҳайдовчилари тайёрланмоқда. Ҳайдовчиларни ўшбу тизим асосида ўқитиш ёнлигининг 20-30 фоизини тежаш, ҳаракатлантирувчи қисмлар ва трансмиссия элементларининг хизмат муддатини узайтириш, автомобилни хавфсиз бошқариш имконини беради.

Қирғизистон Республикаси Президенти замонавий стандартларга мувофиқ энг сўнгги технологиялар билан жиҳозланган ва мамлакатимиз автомобил саноатининг муваффақиятини намойён этадиган ўшбу корхона фаолиятини юқори баҳолади.

Олий мартабали меҳмон завод ҳудудига мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий энгил автомобиллар, юк машиналари, трактор ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги техникалари билан танишди.

Форумлар мажмуаси саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев ўртасида музокара бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев Алмазбек Атамбоевга Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиргани учун миннатдорлик изҳор этди. Ислол Каримовнинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтиргани Ўзбекистон халқига бўлган юксак ҳурмат ифодасидир.

Алмазбек Атамбоевнинг ташрифи Қирғизистон Ўзбекистон билан муносабатларни кенгайтиришга муҳим аҳамият бераётганидан далolat экани қайд этилди.

Қирғизистон Президенти Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловда ишончли ғалаба қозонгани билан яна бир бор табриклади. Президентлар сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш ва иқтисодий муносабатларни кенгайтириш масалаларини муҳокама этиб, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик қатор муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Шунингдек, томонлар минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳамкорлик маса-

лаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масаласини муҳокама этиш чоғида ўшбу жафокаш заминда тинчлик ва оқсоқликка эришиш бутун минтақамизда хавфсизликни таъминлаш, истиқболли транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш, иқтисодий янада тараққий эттириш учун муҳим омил ҳисобланиши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва уни сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитиш зарурлигини таъкидладилар.

Томонлар Ўзбекистон ва Қирғизистон ташки сиёсат маҳкамалари ўртасида 2016 — 2017 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури янги шаклдаги сиёсий мулоқотни йўлга қўйишга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик давлатлараро муносабатларнинг муҳим соҳаси ҳисобланади. Ўшбу масалалар муҳокамасида 2016 йилнинг ўтган даврида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 23 фоиз ўсганига қарамастан, бу кўрсаткич етарли даражада эмаслиги ва икки мамлакатнинг мавжуд имкониятларига мос келмаслиги қайд этилди.

Президентлар икки йил давомида товарлар турини туддан кенгайтириш ва ўзаро савдо ҳажми 500 миллион долларгача қўлайитириш чораларини қўриш зарурлигини таъкидладилар.

Шавкат Мирзиёев бунинг учун Қирғизистонга Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган замонавий

қишлоқ ҳўжалиги техникалари, энгил ва юк автомобиллари, автобусларни тизимли асосда етказиб бериш ва уларга техник хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлади.

Бундан ташқари, қирғизистонлик шерикларга азот, фосфор, калий ва мураккаб комплекс ўғитлар, электротехника маҳсулотлари — трансформаторлар, барча турдаги кабель-ўткагич маҳсулотлар, машиный техника, шунингдек, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, қурилиш материаллари, препаратлар, мебел, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа саноат маҳсулотлари етказиб бериш тақлиф этилди.

Қирғизистон томони, ўз навбатида, Ўзбекистонга етказиб берилаётган товарлар турини қайта кўриб чиқиши таъкидланди.

Шу мақсадда икки мамлакатнинг тегишли тузилмалари ўртасида тўғридан-тўғри узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатиш зарурлиги қайд этилди.

Минтақавий самарали транспорт йўлларини ривожлантириш иқтисодий ҳамкорликнинг стратегий йўналиши ҳисобланади. Масалан, Марказий Осиёни Қирғизистон ҳудуди орқали Хитой билан боғлайдиган қисқа темир йўл нафақат мамлакатларимиз, балки бутун минтақанинг транзит салоҳиятини сезиларли равишда ошириш имконини беради.

Ўзбекистон мутахассислари Қирғизистон ҳудудига бундай йўналишни лойиҳалаштириш ва қуришда иштирок этишга тайёр.

Давлат чегараларини делимитация қилиш бўйича музокаралик жараёнини тезлаштириш ва яқин вақтда бу борадаги давлатлараро шартномани имзолаш тўғрисида келишувга эришилди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик ўзаро муносабатларнинг муҳим соҳаларидан биридир.

Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев музокара давомида эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги саҳифаларини очишига ишонч билдирдилар.

**А.САМАДОВ,
А.ЎРОЗОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ҳ.Қ.ОҚЎТАЕВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Ҳиммат Кўчқоровни Оқўтаев Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2016 йил 24 декабр

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Қ.Б.ТУРСУНОВНИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Қобул Бекназаровни Турсунов Навоий вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2016 йил 24 декабр

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

2016 йил 23 декабр куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд азалдан дунёга машҳур экани, бугун бу қадимий замин халқимизнинг улғу фарзанди, мустақиллигимиз асосчи, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислол Каримов тугилиб ўсган ва мангу ором топан жой сифатида ҳар биримиз учун янада қадрдон масканга айланганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида Самарқанд ўзининг ривожланган саноати ва қишлоқ ҳўжалиги, табиий бойликлари, улкан сайёҳлик салоҳияти билан мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим ўринга эга бўлди.

Вилоят иқтисодий 2010 йилдан буён 1,7 баробар ўсди, деди Президентимиз. Ялпи ҳудудий маҳсулотда саноатнинг улуши 2011 йилда 18 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йил якунида бу кўрсаткич қарийб 24 фоизга етиши кутилмоқда.

Бугунги кунда жаҳондаги энг юксак стандартлар асосида жиҳозланган Самарқанд автомобил заводига ўнлаб турдаги машиналар ишлаб чиқарилмоқда. Кейинги беш йилда вилоятда 100 дан ортқ янги қўшма ва хоржий корхоналар ташкил этилиб, айна пайтда уларнинг сони 259 тага етди. Ўшбу корхоналарда йилга 2,5 триллион сўмлик маҳсулот тайёрланмоқда.

Самарқанд вилоятининг иқтисодий ривожининг экспорт салоҳиятида ҳам намойён бўлаётди. Жорий йилда ҳудудий экспорт миқдори 393 миллион долларга етди.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-

лик соҳасида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Мазкур соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 78 фоиздан ошгани ва меҳнат билан банд аҳолининг 84 фоиздан зиёди шу соҳада фаолият кўрсатаётгани эътиборга лойиқ.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги беш йилда 16 минг гектардан зиёд пахта майдонлари қисқартирилиб, мева-сабзавот ва полиз екинлари экилмоқда. Юртимизда мавжуд интенсив боғларнинг 7500 гектардан ортиги ёки 43 фоизи Самарқанд вилоятида ташкил этилган, деди давлатимиз раҳбари.

Сессияда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш, истиқболли янги саноат объекти барпо этиш, ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш борасидаги долзарб масалалар муҳокама қилинди. Энгил саноат соҳасида туманларда пахта қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгиллаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, шу орқали ҳудудлар экспорт салоҳиятини юксалтириш лозимлиги таъкидланди. Ургут туманининг ресурс базасидан самарали фойдаланиш, саноат ва экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш, инвестиция ва илғор технологияларни жалб этиш мақсадида «Ургут» эркин индустриал зонаси ташкил этилмоқда.

» (2).

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

2016 йил 25 декабр куни халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Навоий вилояти ҳақида гап кетганда, аввало, унинг меҳнатқаш халқи, ер ости ва ер усти бойликлари, улкан салоҳияти кўз олдида намойён бўлади, деди Президентимиз. Мамлакатимизнинг йирик саноат ҳудуди ҳисобланган ушбу вилоятда қончилик, металлургия, кимё, энергетика, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати изчил ривожланмоқда.

Жорий йилнинг тўққиз ойида ялпи ҳудудий маҳсулот қарийб 7 миллиард 440 миллион сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 5,9 фоизга ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4,2 фоиз, истеъмол товарлари 14,8 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги 6,7 фоиз, қурилиш ишлари 11,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 15 фоиз, жами кўрсатилган хизматлар 15,5 фоизга ўсиши таъминланди.

Вилоятда ҳудудий корхоналар томонидан жами 43 миллион долларлик маҳсулот ва хизматлар экспорти амалга оширилди. Маҳаллийлаштириш дастури асосида 17 корхонада 57 лойиҳа бўйича тайёр маҳсулот ҳамда материаллар, бутловчи қисм ва деталлар ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб, 9 ойда 47 миллиард 600 миллион сўмлик маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқарилиди.

» (2).

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 25 декабр куни Навоий вилоятидаги йирик саноат корхоналари фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам кенг қўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар ободонлашиб, замонавий корхоналар, кенг ва раво йўллар, таълим ва тиббиёт муассасалари, боғ ва хиёбонлар бунёд этилаётди.

Истиқлол йилларида Навоий вилояти мамлакатимизнинг саноати ривожланган ҳудудларидан бирига айланди. Маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажми ошмоқда. Саноат корхоналарини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш ишлари тизимли равишда амалга оширилмоқда. Президентимиз дастлаб

» (2).

«Президент совғалари» болажонларга қувонч улашади

Янги йил арафасида жойларга етказиладиган ўқув анжомлари, турли ширинликлардан иборат «Президент совғалари» кичкинтойлар учун унутилмас тухфадир.

Бу йил ҳам Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилиги болалар жамғармаси томонидан ўшбу байрамни юксак савияда ўтказиш учун қизгин ҳозирлик қўрилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардаги «Меҳрибонлик» ва «Муруват» уйлари ўғил-қизлари, «SOS — болалар маҳаллалари» тарбияланувчилари, ота-она қарамоғидан маҳрум болалар учун Президентимизнинг Янги йил совғалари етказилмоқда.

Фарзандларимиз бахту камоли йўлида кўрсатилаётган улкан ғамхўрликлар уларни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб улғайтириш, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғоғларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётди. Айниқса, жисмоний имконияти чекланган

болалар, ота-она қарамоғидан маҳрум болалар давлатимизнинг доимий ғамхўрлиги ва эътиборидадир.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, маданият ва санъат саройларида Янги йил байрами тадбирларига қизгин тайёргарлик қўрилмоқда.

— Хар йили Янги йил арафасида «Президент арчаси» шодибаналари тинч-осойишта кунларимиз, осмонимиз мусаффолигию, истиқлол неъматларига шукроналик туйғулари билан уйғун бўлади, — дейди Халқ таълими вазирлигининг ахборот хизмати раҳбари Баҳриддин Шайвалдиев. — Болалар учун беғубор орзу-умидлар байрамига айланган ўшбу тантаналар давомида Президентимиз совғалари кичкинтойларнинг қувончига қувонч қўшади. Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан



тақдим этиладиган 12 номдаги ўқув қуроллари ва 15 номдаги ширинликлардан иборат бўлган совғалар тайёрланди. Президент совғалари Тошкент ва Жиззах вилоятларида автотранспортда, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятларга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиаконкомпаниясининг самолётлари орқали жорий йилнинг 25-28 декабр кунлари жадвал

асосида етказиб берилмоқда.

Совғалар 29 декабрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда ташкил этиладиган «Президент арчаси» тадбирларида кичкинтойларга тантанали равишда топширилади.

**А.КИБОВА,
ЎЗА мухбири**

БУГУННИНГ НАФАСИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Ў(1).

Президентимиз виллоятда туризмни янада ривожлантириш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва шу ҳужжат асосида ишлаб чиқилган дастурда Самарқанднинг бу борадаги салоҳияти ва туристик потенциални ошириш юзасидан кенг қўллади чора-тадбирлар белгиланган.

Вилоят кишлоқ хўжалигида ислохотларни изчил давом эттириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. 2017 йилда 4400 гектар пахта майдонини қисқартириш эвазига мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлашга мўлжалланган корхоналар ташкил этиш, лалми ерларга жаҳон бозорига талаб юқори бўлган экспортбон экинлар экиш, тоғолди худудларда доривор ўсимликлар етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йилнинг мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган муносабати билан бу борада маҳаллий ҳокимлик ва бошқарув органлари олдига турган вазифаларга алоҳида эътибор қаратди. Раҳбарларнинг халқ ичига кириб, аҳоли билан самимий мулоқот қилиши, уларнинг дарду ташвишларини тинглаб, муаммоларга ечим топиши халқимизнинг давлатдан рози бўлиши ва турмуши фаровонлигига хизмат қилиши таъкидланди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тавсиясига биноан Самарқанд виллоят ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Ҳиммат Окбўтаев Самарқанд виллоят ҳокими этиб сайланди.

«Зарафшон» ва «Самарқандский вестник» газеталари бирлашган тахририяти бош муҳаррири Ф.Тошев, Каттакўрғон туманидаги «Пайшанба» шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Қ.Ахмедов, меҳнат фахрийси З.Зиёев ва бошқалар Президентимиз нутқида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, виллоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган долзарб вазифаларни муваффақиятли адо этиш йўлида виллоят ахли астойдил меҳнат қилади ва кўзланган марраларга албатта эришади, деб таъкидланди.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбири

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Ў(1).

Ҳозирги кунда виллоятда 17 йirik санаот корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот», «Қизилқумцемент», «Навоий иссиқлик электр станцияси» акциядорлик жамиятлари ва «Электркимёзаводи» қўшма корхонаси шулар жумласидандир. «Навоий» эркин иқтисодий зонасида 18 корхона фаолияти самарали йўлга қўйилган бўлиб, улар томонидан 100 дан ортиқ турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Навоий виллоятнинг меҳнаткаш халқи доимо илгорлар сафидан муносиб ўрин эгаллаб келган, деди Шавкат Мирзиёев. Буни кейинги йилларда виллоятда эришилаётган улкан ютуқ ва марралар мисолида ҳам кўриш мумкин. Виллоятнинг бундай улкан салоҳияти эътиборга олинган ҳолда, энг муҳими, аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, виллоятда мавжуд

ресурс ва имкониятлардан янада самарали фойдаланиш борасида қилганидан ишлар кўплиги алоҳида таъкидланди.

Сессияда бандлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда аҳоли, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш, замонавий иш ўринлари яратиш давлатимиз, бутун жамиятимизнинг диққат марказида туриши лозим.

Давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида аҳоли мурожаатлари билан ишлашда сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимга ўтиш зарурлиги таъкидланди. Бу борада биринчи навбатда раҳбарлар — бу вазирлик ва идоралар раҳбарлари бўладими, виллоят, шаҳар, туман ҳокимлари бўладими — барчаси ўз зиммасига катта масъулият юклатилганини унутмаслиги лозим.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тавсиясига

биноан Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келаётган Қобул Турсунов Навоий виллоят ҳокими этиб сайланди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий виллоят бўлими раиси Нормурод Исоков, Конимех туманидаги «Канимех тани» газетаси муҳбири Хонимгул Норбоева, «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси музейи директори Ольга Сашина ва бошқалар Президентимиз нутқида баён этилган фикрлардан зарур хулосалар чиқариб, кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, виллоят ахли олдига турган долзарб вазифаларни бажариш, ислохотлар самарадорлигини янада ошириш учун Навоий виллоят аҳолиси астойдил меҳнат қилади ва кўзланган марраларга албатта эришади, деб таъкидланди.

А.ЎРОЗОВ,
ЎЗА махсус мухбири

ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЮКСАК САМАРАЛАРИ

Ў(1).

Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Навоийазот» акциядорлик жамиятида амалга оширилаётган янги йirik лойиҳалар билан танишди. Биринчи лойиҳа қаустика сода ва метанол ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиб, йилга 260 миллион долларлик маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилади. 900 дан зиёд янги иш жойи ташкил этилиши кўзда тутилган мазкур лойиҳа тўла маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлайди.

Иккинчи лойиҳа доирасида аммиак карбамид ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Йилга 173 миллион долларлик маҳсулот тайёрлаш имконини берадиган мазкур корхонада 500 га яқин иш ўрни ташкил этилади. Азот кислотаси ишлаб чиқаришга иxtисослашган учинчи лойиҳа энергия тежамкорлиги билан ажралиб туради. Бу ерда тайёрланган маҳсулотлар ички бозорга етказиб берилиши билан бирга экспортга ҳам жўнатилади. Корхона ишга тушиши билан азот ўғитларининг нархи сезиларли даражада пасайиши кутулкилади.

Давлатимиз раҳбари мазкур янги лойиҳаларни тез ва сифатли амалга

ошириш иқтисодий таъминоти ривожига муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Президентимиз «Навоий» эркин иқтисодий зонасида бўлиб, бу ердаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Бугунги кунда «Навоий» эркин иқтисодий зонасида 18 корхона самарали фаолият кўрмоқда. Ушбу корхоналарда 100 дан ортиқ турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2008 йилда ташкил этилган мазкур эркин иқтисодий зонада бугунги кунда Хитой, Сингапур, Жанубий Корея, Хиндистон, Италия, Бирлашган Араб Амирликлари, Буюк Британия каби давлатлар билан ҳамкорликда автомобиль санаети учун зарур эҳтиёт қисмлар, энергетика тизимида фойдаланиладиган кабел, рақамли телемобиллар, маиший электрон техникалар ва бошқа харидоригир маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

2015 йилда мазкур иқтисодий зонадаги корхоналар томонидан 184 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот


ишлаб чиқарилиб, 5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Президентимиз иқтисодий зона фаолиятини янада такомиллаштириш, хорижлик янги ҳамкорларни жалб этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш лозимлигини, истиқболдаги вазифалар гоят салмоқли эканини алоҳида таъкидлади. Иқтисодий зонада яратилган улкан имкониятлар, имтиёзлар, шарт-шароитлардан тўла, самарали фойдаланиш зарурлиги, бу иқтисодий таъминоти учун муҳим аҳамията эга экани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари «Навоий» эркин иқтисодий зонасида 2017 йилда ишга туширилиши режалаштирилган 15 лойиҳа билан танишар экан, уларнинг замонавий технологияларни ўзлаштириш, иқтисодий таъминоти диверсификация қилиш, импортни қисқартириш ва экспорт ҳажминини оширишда аҳамияти катта эканигини алоҳида таъкидлади. Мазкур иқтисодий зона фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берди.

А.ЎРОЗОВ,
ЎЗА махсус мухбири

Ўзбекистон Қаҳрамони Таваккал Топволдиев



Мамлакатимиз жамоатчилиги оғир жудодликка учради. Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Андижон виллоят бўлими раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Таваккал Темироввич Топволдиев 82 ёшида вафот этди.

Т.Топволдиев 1934 йил 10 сентябрда Андижон виллоятининг Шахрихон туманида ишчи оиласида туғилди. 1957 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механикациялаш

муҳандислари институтини муҳандис-гидротехник мутахассислиги бўйича тамомлади. Кўп йиллар давомида Андижон виллоят сўғориш тармоқлари тизимида самарали меҳнат қилди. 1965 — 1985 йиллар мобайнида Бўз, Улугнор, Жалақудук туманларида биринчи раҳбар лавозимида фаолият кўрсатди. 1985 — 1996 йилларда Андижон виллоятида турли масъул вазифаларда ишлади. 1996 йилдан умрининг охирига қадар Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Андижон виллоят бўлими раиси бўлиб хизмат қилди.

Т.Топволдиев қарийб олти йиллик меҳнат фаолияти даврида виллоят худудлари, тармоқ ва соҳаларини ривожлантириш ҳамда кенг қўламли ободонлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшди. Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб виллоятда мамлакат аҳамиятига эга бўлган йirik истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этди.

«Нуроний» жамғармаси Андижон виллоят бўлими раиси сифатида виллоятда уруш ва меҳнат фахрийларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларимизни она Ватанга, халқимизга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, бу борада кесак авлод вакиллари фаол иштирокини таъминлашда ўзининг ташаббускорлик ва ташкилотчилик қабилатларини намойён этди.

У жонқуяр ва талабчан, меҳрибон устоз сифатида эл-юртимиз ўртасида юксак ҳурмат ва эътибор қозонди.

Т.Топволдиевнинг кўп йиллик самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Дўстлик» ва «Эл-юрт ҳурмати» орденлари ҳамда Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан мукофотланган эди.

Фидойи раҳбар, самимий ва камтарин инсон Таваккал Топволдиевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Н.ЙЎЛДОШЕВ, Н.ИСМОИЛОВ,
А.АРИПОВ, Ш.УСМОНОВ, Ш.АБДУРАҲМОНОВ

Худудий хотин-қизлар комиссияларида

Соғлом оила — жамият таянчи

«Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖда «Соғлом оила — жамият таянчи» мавзуда касаба уюшма фаоллари ҳамда хотин-қизлар комиссияси раислари учун семинар-тренинг бўлиб ўтди. Тадбирда худудий тармоқ касаба уюшма ташкилотлари хотин-қизлар комиссиялари вакиллари ҳам иштирок этишди.



Семинар-тренинг аввалида қатнашчилар комбинатнинг қўлигул аёллари томонидан ташкил этилган амалий санъат кўрсатмалари билан танишдилар. Уларни, айниқса, бисер ва тузлӣ хамирлардан тайёрланган турли ажойиб манзаралар, ўйинчоқлар, гиламчалар, тақинчоқлар, манзарали нақшлар билан безатилган паннолар, зар ипларда тикилган ажойиб каштачилик намуналари ҳайратга солди.

Семинар-тренингда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий ҳимоя бўлими бош мутахассиси Лазоқат Турикова Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилган

ишлар, гендер тенглиги, юртимизда хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуққа эгаллиги ва уларга яратилган имтиёзлар ҳақида кенг тушунча берди.

Тошкент виллоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси хотин-қизлар комиссияси раиси Р.Ғазиева ва комбинат меҳнат муҳофазаси вакили Ш.Қўчқоров «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қафолатлари тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартришлар ҳамда янги тахрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунни амалга оширишнинг долзарб масалалари ҳақида тушунтириш беришди. Шунингдек, қатнашчилар учун лидер бўлиш сирлари, лидерлик хусусиятлари бўйича амалий машғулотлар ўтказилди. Айниқса, Агроемента мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий ҳимоя бўлими бош мутахассиси Шоҳида Бегимқуллова томонидан ташкил этилган психологик машғулот барчада катта таассурот қолдирди.

Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларига оид амалий машғулотларда комбинат аёллари меҳнат қонунчилиги соҳасидаги билимларини бойитдилар.

Семинарда фаол иштирок этган хотин-қизлар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Бундай катта семинарни аёллар ўртасида биринчи бор ўтказганимиз, — дейди «Олмалик КМК» АЖ ходимлари касаба уюшмаси ташкилий бўлим мудири Умида Жалилова. — Касаба уюшма ташкилотларига меҳнат қонунчилигига оид турли саволлар билан мурожаат этишади. Етакчилар уларга тўғри жавоб бериб, муаммоларни ўз ўрнида ечишга ҳаракат қилиши зарур. Ишончим комилки, ушбу семинар бу борадаги билимларимизни бойитишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўз мухбиримиз

Тез ва осон


Давлат статистикасининг мақсади ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил этиш, статистика ахборотларини такомиллаштириш, иқтисодий таҳлилларни янада чуқурлаштириш ҳамда жаҳон андозаларига мос халқаро стандартлар асосида фаолият олиб боришдан иборат.

Қулай ишбилармонлик муҳити

Таъкидлаш жоизки, 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонун асосида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига оид статистик маълумотлар йиғиш, умумлаштириш, тарқатиш ва сақлаш билан боғлиқ барча ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинди, давлат статистикасини ташкил этиш тартиби белгиланди. Бу эса жаҳон андозалари асосида давлат статистикасини ташкил этишдаги ёндашувлар яхлитлигини таъминлаб берди.

Маълумки, утган давр мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнаки учун қулай шарт-шароит яратишга йўналтирилган ҳуқуқий механизмлар мустаҳкамланди ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва руҳсат бериш тартиби қоидаларини тубдан



қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан ҳисоботларнинг топшириш даврийлиги қисқартирилди. Айтилик, илгари микрофирмалар бир йилда тўрт марта ҳисобот топширган бўлса, эндиликда бир мартага туширилди. Фермер хўжалиқлари эса 5 марта ўрнига 3 марта тақдим этадиган бўлди.

2015 йилдан эътиборан давлат статистика органлари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектлардан молиявий ҳисоботлар топширишни талаб этмаган ҳолда, давлат

солиқ идоралари билан ташкилотлар молиявий ҳисоботларининг айрим кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотлар алмашинуви ташкил этилди.

Бошқача айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар соҳа ривожига хизмат қилаётди.

Ш.БАРАТОВ,
Янгиобод туман статистика бўлими етакчи мутахассиси

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Муносиб рағбат

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида Республика ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Тошкент давлат юридик университети ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида «Меҳнат ҳуқуқи билимдони» танловини ўтказиш тўғрисидаги 2016 йил 28 мартдаги қўшма қарори қабул қилинган эди.

Ушбу қарор ижроси юзасидан жойларда уч босқичда кўрик-танловлар ўтказилди. Онлайн тарада ташкил этилган республика босқичида сирдарёлик билимдонлар орасида Гулистон 2-академик лицейи 2-босқич талабаси Дурдона Маматкулова фахрли 2-ўринни эгаллади. Унга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ким-мағбаҳо совғаси ҳамда диплом тақдим этилди.

Санжар ТОҒАЕВ,
Сирдарё виллоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими етакчи юристконсулти

Саводхонлик байрами

Миробод туманидаги 110-умумтаълим мактабида «Саводхонлик байрами» бўлиб ўтди. Жаҳжи болажонларнинг турфа қишқилари йиғилганларга бир олам таассурот улашди. Айниқса, уларнинг билим савияси, шеърларни маҳорат билан ёддан ўқиши барчани қойил қолдирди.

— Болажонлар билан ишлаш, уларни дарсга қизиқтириш учун билимнинг ўзи камлик қилади. Устоз ҳам кучли педагог, ҳам психолог бўлиши лозим, — дейди 1-«а» синф раҳбари Мухайб Илҳомова. — Синфинда 42 нафар ўқувчи бор. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бир олам. Қизиқиши, интилишига қараб муомала қилиш, бола билан бола бўлиб гаплашиб, қалбига кириб боришни биринчи галдаги вазифам деб биламан.

Тадбирда болажонларга Янги йил совғалари тарқатилди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ олган сурат.



Халқ билан мулоқот

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан тахририятимиз хайрли ишга қўл урди. Йил мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда одамлар дарду ташвишига қулоқ тутиш, муаммоларининг ечимига кўмаклашиш, бир сўз билан айтганда, халқ ичига тўғридан-тўғри кириб бориш мақсадида янги — «ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ» рўқни ташкил этилди. Ушбу рўқни остида юртдошларимизни қизиқтирадиган барча масалалар, ўйлантирадиган саволлар юзасидан тегишли соҳа мутахассислари, жумладан, касаба уюшмалари ҳуқуқшунос ва мутахассисларининг атрофлича, тажрибада дуч келинган айнан шу ҳолатга ўхшаш мисоллар асосидаги жавобларини бериб бориш ва бу орқали муружаатчиларга муаммоларини ҳал қилишда яқиндан ёрдам бериш ният қилинган. Ўйлаймизки, бошлаган эзгу ишимиз ўз самарасини беради ва газетамизнинг ўқувчилар билан яқинлиги, ҳамнафаслиги янада мустақамланади.

«ДЕКРЕТ» ПУЛИДАН УШЛАБ ҚОЛИНМАЙДИ

САВОЛ: Бош ҳисобчимиз менга ойлик иш ҳақи учун ортиқча тўлаб юборилган маблағлар розилигимсиз ҳомилдорлик ва туғиш таътили бўйича тўланадиган нафақа пулларимдан ушлаб қолишини айтиди. Шу тўғрими?

Намуна ХОЛДОРОВА, Бешарик тумани

ЖАВОБ: Дарҳақиқат, Меҳнат кодексининг 164-моддасида ортиқча тўланган маблағларни ушлаб қолиш тартиби тўғрисида батафсил маълумот берилган. Унга кўра, иш берувчи ходимнинг розилигисиз ҳам ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортиқча тўланган суммани иш ҳақидан ушлаб қолиши мумкин. Фақат ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори меҳнат ҳақининг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги шарт. Бундай ҳолларда иш берувчи хатolik юз берган кундан бошлаб бир ой муддат ичида махсус фармойиш чиқаришга ҳақли.

Бироқ сизнинг ҳолатингизда иш берувчи қарзни ундиришни иш ҳақиға эмас, балки ижтимоий сугурта бўйича бериладиган нафақаларга қаратмоқчи. Бу гайриқонуний ҳаракат ҳисобланади.

Касаба уюшма ҳуқуқшунослари бу каби ҳолатларга дуч келиб туради. Мисол учун, Фаллаорол саннат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ходими Нилуфар Пўлатова Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига ҳомилдорлик ва туғиш таътили бўйича нафақа ундиришда ёрдам сўраб муружаат қилган.

Муружаат ўрганилганда иш берувчининг ходим ҳомилдорлик ва туғиш таътилига чиққани тўғрисида бўйруғи мавжуд бўлса-да, унга нафақа тўламаганлиги аниқланди. Бунга вилоят молия бошқармаси мутахассисининг Н.Пўлатовага ортиқча иш ҳақи тўланганлиги ва бу тўланган суммани қоплаш учун нафақа тўланмаслиги ҳақидаги маълумотномаси асос қилиб олинган.

Касаба уюшма ҳуқуқшунослари иш берувчига ортиқча тўланган тўловлар ходимнинг нафақа ва ижтимоий сугурта маблағларидан ушланмаслиги, балки қонунга асосан иш ҳақидан тўланишини тушунтириб, мазкур камчилиқни бартараф қилиш тўғрисида тақдимнома киритди.

Тақдимнома иш берувчи томонидан қаноатлан-тирилмагач, ходим манфаатини кўзлаб судга даъво аризаси билан муружаат қилинди. Натижада, суд касаба уюшмалари давбосийи қаноатлантириб, Н.Пўлатовага 4 миллион сўмдан зиёд сугурта нафақасини ундириш тўғрисида қарор чиқарди.

Хурматли Н.Холдорова, агар иш берувчи қарзни ундиришни сугурта бўйича бериладиган нафақаларга қаратишни давом эттирса, ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ёки Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг қисқа рақам-

ли 1092 «Ишонч телефони»га муружаат қилинг. Муружаатингиз амалдаги қонунлар доирасида ҳал этилишига қаратилган бўлади.

Гузалья БАБАНИЯЗОВА, ЎзКУФК Юридик бўлими етакчи юристконсулти

ШОКОЛАД ҚУТИСИДАГИ «ПАҚИЛДОҚ»

САВОЛ: Янги йил байрами арафасида болаларнинг пиротехника воситаларини ёқиб ўйнаши кузатилади. Айниқса, кўп қаватли уйлар йўлидаги кузатиқ қоматга келтирилган пақиллатишлар одамларнинг тинчлини бузаяпти. «Пақилдоқ»ларни юртимиз ҳудудига олиб қираётган «тадбиркорлар»га жавобгарлик қўлланиладими?

Нигора СОЛИХОВА, Миробод тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 1851-моддасига кўра пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб чиқиш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш — ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий жавобгарлик қўлланилгандан сўнг, такроран юқоридаги фаолиятлар билан қонунга хилоф равишда шугулланиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2501-моддасига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёки бир йилдан ун йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд ун йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бироқ, савол муаллифи таъкидлаганидек, ҳуқуқий тақиқлар, мутасадди органлар томонидан олиб борилаётган тадбирларга қарамай, шундай воситаларни олиб чиқишга уринаётган фуқаролар учраб турибди. Айниқса, Янги йил байрами арафасида бундай устамонлар кўпайиб қолади. Мисол учун, яқинда «Келес» темир йўл чегара божхона пости ходимлари «Москва-Тошкент» йўловчи поездида юртимизга кириб келган фуқаро Ф.Ахмедовнинг юқларини кўриқдан ўтказишда, божхона декларациясида кўрсатилмаган 72 дон «Супер Жук» номли пиротехника воситалари борлиги аниқланди. Мазкур ноқонуний юк шоклад қути-сида яширинча олиб келинаётган экан. Шунингдек, бошқарманинг тезкор гуруҳи ходим-

лари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда пойтахтимизнинг Олмазор туманида пиротехника воситаларини сотиш ва тарқатиш билан шугулланаётган фуқаролар А.Содиқов ва А.Саидовдан жами 19200 дон пиротехника воситалари ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Шу ўринда фуқароларга божхона қонунчилиги бузилишига доир ҳолатлар ёки божхона ходимларининг ноқонуний ҳаракатларига гувоҳ бўлишганида Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Ишонч телефони» — 120-76-76 рақамига кўнғирок қилишлари мумкинлигини эслатамиз.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Ахборот хизмати

ТОМДАН ТУШГАН ТАРАША

САВОЛ: Электр, умуман, барча коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаб бораман. Бироқ яқинда масъул ходимлар ҳисоблагичим тартиб рақами туман электр тармоқлари қорхонасида рўйхатдан ўтмаганлиги, шу тўғрисида тўлаган маблағларим ҳисобга олинмаслигини, масалани эздилик билан ҳал этмасам, менга жарима қўлланиши мумкинлигини тушунтирди. Шундай бўлиши мумкинми?

Гулноза МИРЗАМУХАММЕДОВА, Чиноз тумани

ЖАВОБ: Бу сиз ҳисоблагични қаердан олганингиз, уни ўрнатиш тартиб-қоидаларига риоя этган ёки этмаганингиз билан боғлиқ масала. Бироқ шу пайтгача ҳисоблагич кўрсаткичига асосан туман электр тармоқлари қорхонасига тўлаб келган маблағларингиз, албатта, ҳисобга олинади.

Шу ўринда тажрибада учраган шу каби мисоллардан бирини келтириб ўтасак. Яққасарой туманида яшовчи фуқаро А.Табибов электр ҳақини ўз вақтида тўлаб боради. Бироқ яқинда туман электр тармоқлари қорхонаси ходимлари унинг ҳисоблагичи рақамлари қорхона компютер тизимида мавжуд эмаслиги, яъни ҳеч қаерда рўйхатдан ўтмаганлигини рўқач қилиб, унга 1 млн. 197 минг 800 сўм миқдорда қарздорлик ва жарималар қўлланишини билдиришди. Тўғриси, намунали истеъмолчи учун бу гап томдан тараша тушгандек бўлди. Чунки у анча пайтдан буён тўловларни шу ҳисоблагич бўйича амалга ошириб бораётган ва ҳеч қандай муаммага дуч келмаётган эди.

Туман электр тармоқлари идорасида муаммоси ҳал бўлмагач, А.Табибов Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Тошкент шаҳар Яққасарой туман жамиятига муружаат қилди. Жамиятимиз ходимлари аризани ўрганиб, қарздорлик ва жарималар асосиз қўлланилганини аниқлашти. Музокаралар натижасида масала истеъмолчи фойдасига ҳал этилди.

Агар савол муаллифи — Гулнозахон Мирзамухаммедова истеъмолчи сифатида ҳуқуқлари бузилган деб ҳисобласа, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмасининг 10 91 рақамли «Ишонч телефони»га кўнғирок қилиб, малякали мутахассислардан ҳуқуқларини тиклаш бўйича амалий кўмак олиши мумкин.

Алишер ЮЛДАШБЕКОВ, ЎИХҚОФ Тошкент шаҳар Яққасарой тумани жамияти раиси

Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига



Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов бадиий тафаккурининг чақмоқдек ёрқин нури ўзбек шеърияти осмонини бамисоли офтобдек ёритди. У барча мавзуларда ўзининг индивидуал, бетакрор, таъсирчан ва нафис сўзини айтди. Шоир бўлиб ўртага чиқиб ва бу майдонда собит туриб, ўз «мен»ини намоен этиш истеъдодлар манглайига битилган гўзал ёзуғдир.

ВИЖДОНИ УЙҒОҚ ШОИР

Чин ижодкор — маънавияти баян, орзу-ниятлари улкан шахс. Истеъдод эгалари баъзан нима-ларга қодирлигини ёшлигидан бадиҳатан, савқитабий равишда баён этади:

Мен жилгаман, Дарё бўлиб тошгим келади. Она юртим, Сена ўлган бўлгим келади.

Дўст билан обод уйинг, Гар бўлса у вайрона ҳам. Дўст қадам қўймас эса, Вайронадир қошона ҳам.

Орадан йиллар ўтиб, Эркин Воҳидов шеъриятининг мавзу қўлами кенгайди, поэтик мазмун-моҳияти чуқурлашди. Шоирнинг лирик қаҳрамони дарди ижтимоий билан йўғрилди.

Истеъдод ўзини намоен этиши учун муҳит, давра ва вақт керак. Йиллар давомида шоир тажриба орттиради, истеъдод сайқал топа боради. Эркин Воҳидовнинг ижод йўли ҳам шундай доволарни ортда қолдирди. Шоирнинг дардли, алам ва сурурли қабии ўзбек халқи миллий ифтихор туйғусининг поэтик ифодаси учун йўл излади ва топди. Илдиизи юракдан озикланган муаззам гоьларнинг яшил дарахти мева берди: машхур «Ўзбегим» қаси-даси дунёга келди:

Мир Алишер наърасига Акс-садо берди жаҳон, Шеърият мулкига бўлди Шоҳу султон ўзбегим...

Тарихинг битмакка, халқим, Мингта Фирдавсий керак, Чунки бир бор чеккан охинг Мингта дoston, ўзбегим.

Қасиданинг ҳар бир мисрасида олам-жаҳон маъно муҷассам. Ўз вақтида шеърни Эркин Воҳидов тилидан эшитган аллома Алихон тўра Соғуний: «Бундай шеър янги давр ўзбек адабиёти-да ҳали ёзилган эмас. «Ўзбегим» халқнинг кўзини очадиган, ўзлигини танитадиган улуг шеър бўлибди», дея баҳо беради. Ўзлигини англамаган, ўз ҳақ-ҳуқуқини, ўз миллатининг дарду аламларини тушунмаган одамда гурур туйғуси бўлмайдми. «Ўзбегим» фахрияси шоирнинг фахр-ифтихори, ўз халқи, унинг шонли ўтмиши, тил-лога тенг унумдор ери ва бошқа фазилатлари билан гурурланиш ифодасидир.

Ижтимоий пафос, маънавий қадриятлар, она тил учун қунониш, миллатнинг ўзлигини сақлаш учун курашиш — булар виждони уйғоқ ижодкорнинг иши, ижтимоий вазифаси бўлди бир замонлар. Бу йўлда юрган одам ҳаёти-ни хавфга қўйиб ҳақ сўзини айти-ши, чин фидойи зиёли сифатида тунарини уйқусиз ўтказиши лoзим эди. Эркин Воҳидов ўз вақ-тида шундай улкан бир миссия-ни қойилмақом қилиб адо этди. Масалан, «Она тилим ўлмайди» шеъри ёзлиш санасига бир қаранг: 1976 йил. Мустабид ту-зумнинг исканжали муҳитида ёзилган. Дунёдаги ҳамма тиллар бирлашиб кетади. Дунёда ягона бир тил қолади, деган сиёсат ҳук-мрон бўлган бир муҳитда шоир жасорат кўрсатди.

Нотик дер: «Тақдир шул, Бу жаҳоний ирода. Тиллар йўқолур буткул, Бир тил қолур дунёда».

Эркин Воҳидов ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши-дан ун йиллар олдин, турли ма-кон ва замонларда яшаб ижод қилган Навоий, Пушкин, Данте, Шиллер, Байрон, Фирдавсий, Бальзак, Тагор, Хайём, Беранже, Неруда, Лорка, Сервантес, Гёте каби қатор адиблар руҳини ёрдамга қорлади; уларни муҳим бир муаммо муҳокамаси учун жамлади. Ҳар бири ўз миллий тилларининг ҳимоячилари бўлган улуг зотлар бир овоздан, барал-ла «Она тилим ўлмайди», деб ду-нёга жар солишди. Бу савдо аср-лар қаъридан келди. Зотан, ма-шхур шоирлар тилидан «Она ти-лим ўлмайди» деган оташин сўзни айтириш — бу ҳар кимнинг ҳам хаёлига келадиган бадиий усул эмас эди. Бундай ижтимо-ий, маданий, маънавий муаммо-

Сен ким эдинг, ким бўлдинг, эй, Дил, деб сўрайди дил, Шеър асли дил саволига Дилнинг жаовидир.

Шоир умри «агар боғ — бўлса, эли боғбон». Эл-юрт билан бир-лик, Ватан хизматига қамарбаста бўлиш фақат чин ўғлонларга насиб қиладиган саодатдир. Зеро, эл-юрт тақдирига бефарқ қараб тура олмаган шоир кўнгли-да «Ватан елкаларини маърифат уммони» томонга бурмоқни, меҳр-муруват, инсоф-адолат каби умуминсоний қадриятлар чегарасида «соққидек турмоқ»ни истади. Ёлгон бахт-саодатлардан зада лирик қаҳрамон чин «хурри-ят завқини» юракдан сурмоқни хоҳлади. Шоир ёшлиқдаги нияти-га мос равишда юрт истиқлоли остонасида яна такрор:

Қулуг истиклол куннда, Эй Ватан, бағрингда шод Эркин ўғлонинг бўлиб Юрмоқни истайдир кўнги,

деб ёзди. «Ватан умиди» номли бошқа бир шеърда ман-фур сиёсат тўғрисидаги гарчи шо-ирнинг исми Эркин бўлса ҳам, «эрки йўқ, банди қишан», «дили доғли», «Ватанида беватан» бўлган, «Муаззам Сайхуну Жай-хун — Лабида ташна лаб» қол-ган кунларини бир-бир эсга олади. Сўнгра «Шуқурким, кел-ди истиқлол» деб нури давронлар учун чин дилдан шукрона айтади. Чинданам, шоирга Ва-тан истиқлолини кўриш, унинг тароватини тараннум этиш, юрт истиқболни учун амалий хизмат-лар қилишдек бахт ҳам насиб этди.

Сир эмаски, инсон умрига қиёсан ҳар бир бадиий асар-нинг ҳам таржимаи ҳоли бўла-ди. Тўғриси, Эркин Воҳидов адабий меросининг хроноло-гияси шоирнинг ҳаёт йўлига уйғунлигини кўрсатади. Шоир-нинг ижодий биографиясида ўзи яшаган ижтимоий ҳаёт со-кинлиги, алғов-далғовлари, бўҳронлари, талотўпли сурун-лари ва туб ўзгаришлари акс этди. Эркин Воҳидовнинг шеър-ий талқинлари эл-юрт боши-дан ўтган кунларнинг инъико-си ҳамдир. «Шоир — ўз халқи-нинг юрак парчаси» (Э.Воҳидов таъбири). Шу эътиборга кўра, биринчидан, шоирнинг гўзал шеърлари муайян тари-хий давр об-хавосига ташхис қўяди, иккинчидан эса, умумэ-стетик адабий ҳодиса уларақ санъатнинг абадиёт манзилли-дан ўрин эгаллайди. Қисмати эл-юрт тақдир билан уйғун Эркин Воҳидовдек ҳақгўй, виждони уйғоқ ижодкор ҳеч қачон ўз халқи қалбидан ўчмайди.

Баҳоидир КАРИМОВ, Алишер Навоий номдаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети кафедра мудири, филология фанлари доктори

Огоҳдик

Олиб борилаётган тушунтириш, тарғибот ишларига қарамай, ҳамон баъзи бозорларимизда қўлбола ясалган, арзон нархлардаги очик спиралли иситиш воситалари сотилаётгани бор гап. У тез қизийди, кичик хоналарни бир неча дақиқада иситади. Бундай ясама печдан овқат пишириш ва бошқа мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин. Шу тўғрисида баъзи бекалар ундан фойдаланишни афзал кўрадилар. Сохта тадбиркорлар эса бундан унумли фойдаланишга уринишади.

Печка фожиага сабаб бўлди

Бироқ, таъкидлаш керакки, қиш ойларида содир бўладиган ёнғинларнинг асосий қисми (60 фоиздан ортиқ) мазкур воситалар тўғрисида келиб чиқмоқда. Мисол учун, яқинда Малика исми аёл шундай иситиш воситасидан фойдаланган ҳолда уйда болаларни ёлғиз қолдирган. Унинг 12 йшли қизи Дилдора эса укаларига чой дамлаб бериш учун печдан фойдаланмоқчи бўлган. Натижада, ёнғин чиққан.

Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари воқеа жойига етиб келганда юқори қаватда жойлашган хонадан эшитилган ташқаридан қўллангани, деразаларга эса мустаҳкам панжаралар ўрнатилганини гувоҳи бўлди. Панжаралар синдирилгунга қадар болалар тан жароҳати олди.

Давлат стандартларига мос бўлмаган, одамлар ҳаёти, соғлиги, мол-мулкига хавф туғдирадиган электр жиҳозлари билан савдо қилиш тақиқланади. Бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ўтказилаётган махсус тадбирлар давомида бундай жиҳозлар фойдаланувчидан ёки сотувчидан олиб қўйилади ва тегишли суриштирув ўтказилади. Қонунбузарликка йўл қўйган шахсларга белгиланган тартибда жавобгарлик қўлланилади.

С. ТУРСУНОВ, Юнусобод тумани ИИБ ЕХБ 10-ХЕХО 19-ХЕХ бошлиғи, майор

«ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚҰМИТАСИ. Барга ватандошларимиз ва соҳада самарали меҳнат қилаётган ходимларни яқинлашиб келаётган Янги — 2017 йил билан қўтлайди. Сивларга оқшат-саломатлик, қонадонингизга тинчлик-тоқувлик, қут-баракат, юртимизнинг порлоқ юлдузлари бўлишда ишларингизда улкан зафарлар эр бўлинг. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муваффақиятларга бой, баракати йил эловин!

Байрамингиз қўтлинг бўлсин, азиз юртдошлар!

ТАБРИКЛАЙМИЗ, ҚУТЛАЙМИЗ!

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ**

*Бўйиқ Ўзбекистон
халқини ва соҳа
вақимларини эшик
қоқайтган Янги йил билан
муборакбод этади.
2017 йил ҳаммамиз учун
зедра қоларини қувончларга
бой йил бўлсин.
Янги йилни
орзу-ниятлар, қизил
режамлар билан кўтиб
олиши, йил давомида
қиларини ижробайини
кўриши насиб этсин.
Энг асосийси, тинчлик ва
соғлиқ ҳаммиша
ҳамроҳлик қилсин.*



**АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ**

*Яқинлашиб келаётган
2017 йил билан
самимий муборакбод этади.
Янги йилда барча хайрли
ишларингизда омад ёр бўлсин.
Қалбингиздан қувонч, дастурхонингиздан
қут-барака ва оилангиздан
шоду хуррамлик аримасин.
Янги йил қутлуғ бўлсин!*



**«ҚҮНФИРОТ СОДА ЗАВОДИ»
УНИТАР КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА
КАСАБА УЮШМА ҚҮМИТАСИ**

*Кириб келаётган
2017 йил билан
меҳнаткаш халқимиз ва
соҳа ходимларини самимий
муборакбод этади.
Халқ билан мулоқот ва
инсон манфаатлари йили
барчамизга янгидан-янги
муваффақиятлар, шодлик,
омад, бахт олиб келсин.
Осмонимиз доимо
мусаффо, турмушимиз
фаровон бўлсин!*



**«ОЛМАЛИҚ
КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ
КОМБИНАТИ»
акционерлик жамияти жамоаси**


*Мамлакатимиз аҳолиси ҳамда соҳа ходимларини
яқинлашиб келаётган 2017 йил —
Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили
билан қизини қутлайди.
Давлатимиз иқтисодиётини янада
ривожлантириши йўлида фидойилик кўрсатаётган
инсонларга, уларнинг оила аъзоларини
сиздат-саломатлик, хушқайфият, улкан
бунёдкорлик ишларида ҳаммиша муваффақият
ёр бўлишини тилайди.
Янги йилнинг билан, азиз ватандошлар!*



Газетанинг навбатдаги сони 31 декабр, шанба куни чиқади.

MUASSIS:
O'zbekiston
Kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
0116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.



Bosh muharrir:
Jahongir
Sharofboyev

Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'liqin
Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek
Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan
Bedilov, Asror Ishanxodjayev,
Muhabbat O'rmonbekova,
Oksana Belousova, Timur Mamajonov
(bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba,
payshanba va shanba kunlari
chiqadi. Sotuvda erkin narada.

eShonchdan olingan ma'lumatlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi
shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston
Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:
A.Qodirova

Navbatchi:
S.Abdurahmonov

Musahhih:
S.Shodiyeva

Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

Boshiga topshirish vaqti — 21:00
Topshirildi — 21:30

1 3 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.

Korxonani manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida
teriladi va sahifalandi».

Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma tabaq.
Buyurtma f — 1215.
13560 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133

Tahririyat hisob raqami:
2021 0000 0004 3052 7001,
ATIB «Iloqqa bank» Yashnobod filiali,
bank kodi: 00959, CTIP: 201133889, OKONX: 87100